

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **23-24-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(159-160)**
ТЎПЛАМИ **2005 й.**
июнь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

165. «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 7 июндаги ПФ-3617-сон Фармони
166. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3618-сон Фармони
167. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармони
168. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон қарори

Учинчи бўлим

169. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 13 июндаги 147-сон қарори

Бешинчи бўлим

170. «Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтишда рўйхатга олиш йиғимларини тўлаш учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 28 майдаги 1-05, 47, 3/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 4 июнда 1478-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
171. «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2005 йил ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 25 майдаги 54, 49-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 4 июнда 1479-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
172. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 26 апрелдаги 43, 98-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 июнда 1232-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
173. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 30 майдаги 50, 259-В-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 июнда 1448-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
174. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 13 июнда 571-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
175. «Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 25 апрелдаги 42, 2005-36, 261-В-сон қарори.

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 16 июнда 1480-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

176. «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2005 йил 11 майдаги 48-сон буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 17 июнда 1481-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 5 июндан 17 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

165 Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисида

Мамлакатимиз ва хорижий тадбиркорлар, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес корхоналари ўртасида барқарор иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш, республикага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг хорижий мамлакатлар, биринчи навбатда Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси ва Германия Федератив Республикасида (Австрия Республикасидаги ишларни қамраб олган ҳолда) савдо-саноат палатаси ваколатхоналарини, шу жумладан савдо-инвестиция уйлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, савдо-инвестиция уйлари Ўзбекистон Республикасининг ва улар қайси давлат ҳудудида ташкил этилса ўша давлатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзини-ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи молиялаш принциплари асосида фаолият юритади.

3. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига савдо-инвестиция уйлари орқали қўйидагиларни амалга ошириш тавсия этилсин:

мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган маҳсулотларини хорижий бозорларга чиқариш;

Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистондаги хорижий инвесторлар ва шериклар учун ахборот-маслаҳат ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон тадбиркорларига манфаатли шартларда етказиб бериш учун илғор мини-технологияларни танлаб олиш;

тегишли чет давлатларда савдо саноат палатаси ва унинг аъзолари манфаатларини ифода этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сон Фармони 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари мутахассисларини жалб этиш орқали» сўзлари «хориждаги дипломатия ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалалар бўйича маслаҳатчилари, улар бўлмаган ҳолларда эса — тегишли масъул ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ташкил этишни таъминлаш орқали» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари хорижий мамлакатларда ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналари, корхоналари орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

Савдо-саноат палатасининг чет эллардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб келадиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июнь,
ПФ-3617-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

166 Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий-ни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Дастурни ижро этиш бўйича тузилган ишчи Комиссия томонидан бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларининг иқтисодийни ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қўйилган вазифаларга мувофиқлиги танқидий таҳлил қилинди. Жойларда бозор ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг ахvoli ўрганилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорларининг, идоравий норматив ҳужжатларнинг янги лойиҳалари рўйхати тузилган бўлиб, улар тизимли асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодийни эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

тизимли асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисо-

диётни эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти олий органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар даражасида тасдиқланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастурини ижро этиш бўйича қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (3-иловага* мувофиқ) қабул қилинганлиги ва амалда рўёбга чиқарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш ҳамда маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш комиссияси (Р. Азимов):

белгиланган муддатларга мувофиқ 1-иловадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилиши ва келишиб олинишини таъминласин ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат ҳокимияти олий органлари ва Ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим қилсин;

ушбу Фармонда кўзда тутилган янги қонунлар лойиҳалари тайёр бўлишига қараб уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига киритсин;

ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга оширишнинг аниқ-пухта механизмларини албатта назарда тутсин;

зарур ҳолларда, иқтисодий ислохотларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига қўшимчалар киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

мазкур Фармонга мувофиқ қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ижро этилишини қаттиқ назорат остига олсинлар;

ўз даражаларида қабул қилинадиган норматив ҳужжатларнинг мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва Ҳукуматга киритиш таомилидан ўтиши устидан мониторинг ўрнатсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юридик экспертизадан ўтказилишини, шунингдек ушбу Фармонда кўзда тутилган идоравий норматив ҳужжатлар белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминласин;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг норматив ҳужжатларини қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари устидан назорат ўрнатсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,

* 1—3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қабул қилинган қонун ҳужжатларининг барча даражаларда амалда рўёбга чиқарилишини таъминласинлар, токи умуман мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир фуқароси амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг аниқ ижобий натижаларини ҳис этсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 июнь,
ПФ-3618-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

167 Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини (иловага мувофиқ) фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилсин.

2. Қўйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади;

назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар;

фақат кўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текшириладиган

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ган ҳўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади.

Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин.

3. Қўйидагилар белгилансин:

давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозим;

зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда юкланиши мумкин;

тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари ҳўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Савдо-саноат палатаси бир ой муддатда белгиланган тартибда «Ҳакамлар суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин ва бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг хатто жинойий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қўйидаги қарорларнинг лойиҳаларини тайёрласин ва белгиланган тартибда тақдим этсин:

2005 йилнинг 1 июлигача — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси. Бунда текширишлар сонини кескин камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг рухсат берилмаган текширишлар ўтказилганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш, хатто жинойий жавобгарликка тортиш назарда тутилсин;

2005 йилнинг 1 августигача — айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартиб-таомилини қисқартириш ва соддалаштириш, шу жумладан муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар (рухсатномалар) бериш тизимини жорий этиш, жумладан, шундай таомилни амалдаги лицензиялар (рухсатномалар)га ҳам тадбиқ этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2005 йилнинг 1 июлига қадар:

ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича;

ҳўжалик судларига даъво тақдим этилиши чоғида тўланадиган хорижий валю-

тадаги давлат божи ставкаларини миллий валютадаги давлат божларининг амалдаги ставкалари билан унификация қилиш бўйича;

суд ишларининг қўшимча тоифаларини ҳисобга олган ҳолда судлар таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш масалалари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 июнь,
ПФ-3619-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 14 июндаги
ПФ-3619-сонли Фармониغا
ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати

1. Фаолиятни тугатиш.
2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.
3. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно.
4. Молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно.
5. Ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш.
6. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

168 Тadbиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида

Тadbиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишни ҳар чоракда тақдим этишга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Бунда солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги муддатлари сақлаб қолинсин.

2. Белгилансинки, ҳар чоракдаги ҳисоб-китоблар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай:

ойма-ой тақсимланган ҳолда — ҳар ойда тўланадиган барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бундан мустасно);

ҳар ўн кунликка тақсимланган ҳолда — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бўйича ҳар чоракда бир марта тақдим этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори камайтирилган тақдирда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинган тadbиркорлик субъектлари, мажбурий сотилиши лозим бўлган валюта тушуми миқдори ҳисоб-китобини ҳисобга олиш мақсадида, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йилги Давлат статистика ишлари дастурини тайёрлаш доирасида икки ой муддатда:

тadbиркорлик субъектлари учун давлат статистик ҳисоботини янада содалаштиришга қаратилган ҳисобот шаклини;

йиллик статистик ва молиявий ҳисоботни ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутган ҳолда уни тақдим этиш муддатларини қайта кўриб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда давлат солиқ хизмати органлари тadbиркорлик субъектларидан оладиган, шу жумладан почта ва электрон алоқа воситасида оладиган молиявий ҳисобот, солиқлар ва даромадлар

тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришно-маларни қабул қилиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда қабул қилиб олиш тартиб-таомилини соддалаштириш, унификациялаштирилган иш жадвали ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ва статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларига катъий риоя этилишини таъминласин, бунда микрофирма ва кичик корхоналар:

бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот — 1-шаклни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шаклни ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома — 2-а-шаклни — ҳар йили;

статистик ҳисоботни — ҳисобот турларига қараб ҳар чоракда ёки ҳар йили тақдим этадилар.

7. Тадбиркорлик субъектларидан:

давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаблар бундан мустасно);

бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмайдиган тартиб ўрнатилсин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари қарорнинг ушбу бандини бузганлик учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, тадбиркорлик субъектларидан молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни, шунингдек бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминласин.

Белгилансинки, мазкур хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар, тадбиркорлик субъектларига етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрни суд қарорига биноан айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда:

ҳисобот ва ҳисоб-китоблар тизимини, шунингдек ҳисобот ва ҳисоб-китобларни ноқонуний талаб қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам мақолалар чоп этиб борилишини, телекўрсатув туркумлари ташкил этилишини;

минтақаларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича семинарлар, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари ходимлари учун молиявий, статистик

ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилиш борасида ўрнатилган тартиб бузилишига йўл қўймасликка қаратилган ҳафталик семинарлар ўтказиб турилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 июнь,
ПҚ-100-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

169 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 ноябрдаги 526-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 125-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомнинг 3-банди бешинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«корхоналарнинг хусусий хорижий инвестициялар (хорижий давлат фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшайдиган фуқаролари, шунингдек хорижий нодавлат юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар) жалб этиладиган корхоналар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلарни уларга татбиқ этиш мақсадида иқтисодиёт тармоқларига мувофиқлигини белгилаш»;
олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 13 июнь,
147-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

170 Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтишда
рўйхатга олиш йиғимларини тўлаш учун маблағлар
бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
4 июнда 1478-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 14 июндан кучга киради)

2004 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Ҳукуматлари томонидан имзоланган «Чегара атрофидаги вилоятлар ҳудудларида жойлашган хўжалик объектларига хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтилиши тўғрисида»ги Битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтишда рўйхатга олиш йиғимларини тўлаш учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 май,
1-05-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 май,
47-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 май,
3/5-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

171 «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2005 йил
ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари
ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
4 июнда 1479-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

«Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2005 йил ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизмат ҳақларини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини ташкил этиш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2005 йил ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2005 йил 1 сентябргача бўлган муддатда амалда бўлади.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
54-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
49-сон

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия
вазирлигининг 2005 йил 25 майдаги
54, 49-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2005 йил
ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини
тўлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 майдаги «2005 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–76-сонли қарорига мувофиқ «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2005 йил ғалла ҳосилини етиштириш ва ўриб олиш бўйича кўрсатган хизмат ҳақларини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

1. Адлия вазирлигида 1999 йил 1 мартда 657-сон билан рўйхатдан ўтган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» маблағлари ҳисобидан топширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартиби»га кўра «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналарининг 22602-сонли аккредитив ҳисоб-рақамларидан ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатларига мувофиқ якуний ҳисоб-китоб қилиш учун маблағ йўналтирилади.

2. «Ўзағромашсервис» уюшмасининг МТПлари 2005 йил ғалла ўрими бошлангунга қадар ғалла топширувчи ширкат ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларга асосан:

ўриладиган ғалла майдонларини;

ғалла ўрими бўйича бажариладиган ишлар ҳажмларини;

ҳақдорлик ва қарздорликни ҳисобга олган ҳолда талаб этиладиган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар бир ширкат ва фермер хўжалиги қирқимида хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлимлари томонидан маълумотларни жамлаб АТ «Ғаллабанк»нинг вилоят минтақавий филиалларига тақдим этадилар (1-илова).

АТ «Ғаллабанк»нинг вилоят минтақавий филиаллари ўз вақтида Республика Ғаллабанки орқали умумлаштирилган маълумотларни Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси»га тақдим этади.

3. «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПлари ғалла ўрими бошланиши билан ҳар бир ширкат ва фермер хўжалиги майдонини ўришга тушишдан олдин, ғалла ўрими бўйича шартномага асосан бажариладиган иш ҳажмини, ҳақдорлик, қарздорликни ҳисобга олган ҳолда далолатнома (2-илова) асосида расмийлаштиради ва ўрим бўйича тегишли хизмат кўрсатади.

Тегишли далолатнома тузилмасдан (ўрим ҳақи олдиндан 100% тўланган ҳолатлардан ташқари) хизмат кўрсатиш, ғалла ўриш тақиқланади. Ушбу далолатнома ғалла ўриб берилгандан сўнг, хизмат кўрсатувчи банкка тўлов талабномаларини тақдим этиш учун асос ҳисобланади ва МТП томонидан 1 иш куни муддатида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилиши шарт.

4. МТПларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари тақдим этилган тўлов талабномаларини 3 кун муддат ичида ширкат ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлимларига (филиалларига) етказишни таъминлайди ва масъул ҳисобланади.

5. Туман МТПларига хизмат кўрсатувчи АТ Пахтабанк ва бошқа тижорат банклари бўлимлари (филиаллари) ҳар 5 кунда мавсум давомида МТПлар бажарган ишлар ҳажми билан улар томонидан қўйилган тўлов талабномаларининг мутаносиблиги назорат қилиб борилади.

6. 2005 йил дон ўрими мавсумида ПК-10 квитанцияларига асосан ширкат (фермер) хўжаликларига ажратилган маблағ ҳисобидан туман МТПлари томонидан қўйилган тўлов талабномалари тўланишини мувофиқлаштириш АТ «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармалари томонидан амалга оширилади.

7. Дон етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлимлари (филиаллари) МТПлар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган тўлов ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни (ҳар бир ширкат ва фермер хўжаликлари қирқимида) АТ «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаларига тақдим этадилар.

АТ «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармалари 1 кун муддатда ширкат ва фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига ҳақиқатда қўйилган ва уларга хизмат кўрсатувчи банк бўлимлари (филиаллари) томонидан тасдиқланган тўлов талабномалари тўғрисидаги (ҳар бир туман ширкат ва фермер хўжаликлари қирқимида) маълумотларни умумлаштирган ҳолда, АТ «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармалари билан вилоят МТП бирлашмалари томонидан тасдиқланган ҳолда АТ «Фаллабанк» вилоят минтақавий филиалларига тақдим этади.

8. АТ Фаллабанкнинг тегишли вилоят минтақавий филиаллари ҳар куни «Ўзг-ромашсервис» уюшмасининг вилоят МТПлар бирлашмаларига, АТ «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармасига ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан тақдим этилган ПК-10 квитанцияларига асосан ширкат, фермер хўжаликларига топширилган фалла учун ҳақиқатда тўланадиган маблағ тўғрисидаги маълумотларни туманлар ва ширкат, фермер хўжаликлари қирқимида тақдим этади.

АТ «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси ушбу маълумотларни туман МТПларига хизмат кўрсатувчи ўз бўлимларига ва бошқа тижорат банклари бўлимларига (филиалларига) етказиши.

9. АТ «Фаллабанк»нинг вилоят минтақавий филиаллари топширилган фалла учун ҳақиқатда тақдим этилган тўлов ҳужжатлари (ПК-10 ва бошқалар) ва АТ Пахтабанкнинг вилоят бошқармаларидан олинган ширкат ва фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига МТПлар томонидан қўйилган тўлов талабномалари тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб МТП хизматлари бўйича тўловлар учун маблағларга талабни аниқлайди.

Ушбу маблағларга талабни аниқлашда мазкур Низомнинг 2-бандига мувофиқ МТПлардан олинган ўриладиган фалла майдонларидан келиб чиқиб кўрсатиладиган механизациялашган ишлар ҳажми тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асос ҳисобланади.

10. «Ўздонмахсулот» АК ва АТ «Фаллабанк» ҳар куни Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармага 23218-сонли муваққат ҳисоб рақами орқали МТПлар кўрсатган хизмат бўйича тўловлар учун қишлоқ хўжалик корхоналарига йуналтирилиши лозим бўлган маблағлар тўғрисида буюртма беради.

11. Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма «Ўздонмахсулот» АК ва АТ «Фаллабанк»дан олинган буюртмаларга мувофиқ 23218-сонли ҳисоб рақами орқали қишлоқ хўжалик корхоналарига босқичма-босқич якуний ҳисоб-китоб бўйича МТПлар кўрсатган хизматлар учун тўловларни амалга оширишга маблағ ажратади.

Ўз навбатида, «Ўздонмахсулот» АК ва АТ «Фаллабанк» тақдим этилган буюртма ва унда ҳисобга олинган ПК-10 квитанцияларига асосан ҳақиқатда топширилган

ғалла учун белгиланган тартибда ширкат ва фермер хўжаликларининг 23218-сонли муваққат ҳисоб рақамларига маблағ ўтказиб беради.

12. 2005 йил ғалла ҳосили якуний ҳисоб-китоблари учун ширкат ва фермер хўжаликларининг 23218-сонли муваққат ҳисоб рақамларига тушган маблағлар тўлов талабномалари белгиланган тартибда акцептлангандан сўнг ғалла ҳосилини етиштириш ва ўриб олиш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун «Ўзагро-машсервис» уюшмаси МТПларининг 23218-сонли муваққат ҳисоб рақамларига ўтказилади.

13. «Ўзагро-машсервис» уюшмаси машина трактор паркларининг 23218-сонли муваққат ҳисоб рақамларига тушган маблағлар Ҳукумат кафолати асосида қишлоқ хўжалиқ техникаларини сотиб олишга жалб этилган чет эл кредити тўловлари учун тўлиқ ҳажмда туман МТПларидан тўғридан-тўғри «Таъминотчи-Пахта» акциядорлик жамиятига ва вилоят МТПлар бирлашмалари орқали «Ўзсаноатмашимпекс» ДАКга йўналтирилади.

«Таъминотчи-Пахта» акциядорлик жамиятининг 23218-сонли махсус ҳисоб рақамига келиб тушган маблағларнинг:

75% — чет эл кредити бўйича қарзларни сўндиришга;

25% — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кредитларини сўндиришга йўналтирилади.

«Ўзсаноатмашимпекс» АКнинг 23218-сонли махсус ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар тўлиқ ҳажмда чет эл кредити бўйича қарзларни сўндиришга йўналтирилади.

14. Топширилган ғалла учун ширкат ва фермер хўжаликларининг бошқа ҳисоб рақамларига маблағ йўналтириш, «Ўзагро-машсервис» уюшмаси МТПлари 2005 йил ғалла ҳосилини етиштириш ва ўриб олишда кўрсатган хизматлари ҳақлари тўлаб берилишидан келиб чиққан ҳолда Жамғарма томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

15. Ушбу Низомга риоя этилиши бўйича жавобгарлик шахсан МТП ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлим раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчилари зиммасига юклатилади.

16. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган фермер ва ширкат хўжаликлари, «Ўзагро-машсервис» уюшмаси МТПлари ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлим раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Марказий банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Қ. РАҒИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 май

Жамғарма директори С. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 май

«Ўзагро-машсервис» уюшмаси раиси Д. СОЛИҲБОЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 май

АТ «Пахта банк» Бошқаруви раиси А. БОЙМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 май

«Ўздонмахсулот» АК раиси Э. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 май

АТ «Ғаллабанк» Бошқаруви раиси И. ЎРИНБОЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 май

I-қисм

вилоят МТПлар бирлашмаси тизимидаги МТП томонидан 2005 йил галла хосилини етиштириш учун бажарилган ва галла ўриш бўйича бажарилган ишлар ҳажми ва яқиний ҳисоб-китобдан ўзлаштиришни қўйлаётган маблағлар **ҲИСОБ-КИТОБИ**

№	Ширкат ва фермер ҳўжалиқлари номи	2005 йили 1 май ҳолатига дебитдор қарз (минг сўм)	2005 йил 1 май ҳолатига кредитдор қарз (минг сўм)	Туман ҳоёимлиги қарорига асоан галла экиган майдон (га)	Шартномага асоан 2005 йилда ўриладиган галла майдони (га)	шў жуьладан		Шартномага асоан бажариладиган иш ҳажми (минг сўм)	Давлат эҳтисёлари учун тоширилладиган дон Тонна сўм	Ажратилган бўнак ёки кредит (минг сўм)	Олинган Уруғлик материаллари қиймати (минг сўм)	Яқиний ҳисоб-китобларда тўланган қўйлаётган маблағ (9-10-11) (минг сўм)	МТП томонидан ўзлаштирилиши қўйлаётган маблағ ҳажми (минг сўм)	
						«Кейс» қомбайн билан (га)	«Россия» қомбайн билан (га)							
A	B	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1														
2														
3														
4														
...														
Жами ширкатлар бўйича:														
1														
2														
3														
4														
...														
Жами фермерлар бўйича:														
Жами:														
МТП бўйича жами:														

Эслатма: Ушбу жаьдвал 2005 йилининг 10 майига маъсул шахс орагани икки нусхадда ва дискетда топширилгани шарт.

2-илова
МТП АЖга қилади

МТП АЖ ва _____ хўжалиги ўртасидаги 2005 йил < ____ > № _____ -сонли
(номи) (ширкат, фермер)

шартномага асосан ғалла ўриш бўйича тузилган ДАЛОЛАТНОМА № _____ 2005 йил < ____ >

Техникани		Ўрилган майдон (га)	Бир гектарни ўриш баҳоси, сўм	Жами суммаси, минг сўм
Русуми	Завод рақами			

Жами: _____
Дизел ёқилғиси буюртмачи ҳисобидан _____ литр, _____
(сумма сўз билан ёзилади)

2005 йилни < ____ > _____ ҳолатига хўжаликнинг МТП дан бўлган _____ минг сўм қарзини (хақини) ҳисобга олиб, жами МТП АЖ га _____ минг сўм (_____)
(сумма сўз билан ёзилади)

тўлаб беришга келишилди.
МТП Бошқаруви раиси _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.) Хўжалик раҳбари _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.)

Бош ҳисобчи _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.) М.Ў.

Масъул ходим _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.)

М.Ў.

Хўжаликга берилди

МТП АЖ ва _____ хўжалиги ўртасидаги 2005 йил < ____ > № _____ -сонли
(номи) (ширкат, фермер)

шартномага асосан ғалла ўриш бўйича тузилган ДАЛОЛАТНОМА № _____ 2005 йил < ____ >

Техникани		Ўрилган майдон (га)	Бир гектарни ўриш баҳоси, сўм	Жами суммаси, минг сўм
Русуми	Завод рақами			

Жами: _____
Дизел ёқилғиси буюртмачи ҳисобидан _____ литр, _____
(сумма сўз билан ёзилади)

2005 йилни < ____ > _____ ҳолатига хўжаликнинг МТП дан бўлган _____ минг сўм қарзини (хақини) ҳисобга олиб, жами МТП АЖ га _____ минг сўм (_____)
(сумма сўз билан ёзилади)

тўлаб беришга келишилди.
МТП Бошқаруви раиси _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.) Хўжалик раҳбари _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.)

Бош ҳисобчи _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.) М.Ў.

Масъул ходим _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.)

М.Ў.

Балвоси тақдим этилди

МТП АЖ ва _____ хўжалиги ўртасидаги 2005 йил < ____ > № _____ -сонли
(номи) (ширкат, фермер)

шартномага асосан ғалла ўриш бўйича тузилган ДАЛОЛАТНОМА № _____ 2005 йил < ____ >

Техникани		Ўрилган майдон (га)	Бир гектарни ўриш баҳоси, сўм	Жами суммаси, минг сўм
Русуми	Завод рақами			

Жами: _____
Дизел ёқилғиси буюртмачи ҳисобидан _____ литр, _____
(сумма сўз билан ёзилади)

2005 йилни < ____ > _____ ҳолатига хўжаликнинг МТП дан бўлган _____ минг сўм қарзини (хақини) ҳисобга олиб, жами МТП АЖ га _____ минг сўм (_____)
(сумма сўз билан ёзилади)

тўлаб беришга келишилди.
МТП Бошқаруви раиси _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.) Хўжалик раҳбари _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.)

Бош ҳисобчи _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.) М.Ў.

Масъул ходим _____ (Ф.И.Ш.) _____ (И.В.К.)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

172 Уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
пулли компенсация тўловлари механизми тўғрисида
даги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
10 июнда 1232-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 20 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги «2005 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ–3596-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 3 апрелдаги 49, 45-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича пулли компенсация тўловлари механизми тўғрисида»ги низомга (2003 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1232 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 7-8 ва 11-сонлари) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 апрель,
43-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 апрель,
98-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

173 Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-
лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етишти-
риш харажатларини тижорат банклари томонидан кредит-
лаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
10 июнда 1448-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 20 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2005 йил 14 январдаги 2 ва 259-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга» (2005 йил 2 февраль, рўйхат рақами 1448 — Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 40-модда, 12-13-сон, 95-модда) қўшимча ва ўзгартиришлар иловага мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 май,
50-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 май,
259-В-2-сон

Молия вазирлиги, Марказий банк
Бошқарувининг 2005 йил 30 майдаги
50, 259-В-2-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 50 фоизгача миқдоридан берилади.

Бунда, кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар пахта хом ашёси қийматининг 5 фоизгача, 1 апрелига қадар 20 фоизгача, 1 июнга қадар 35 фоизгача ва 1 сентябрга қадар 50 фоизгача;

ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 20 фоизгача, 1 апрелга қадар 30 фоизгача ва 1 июнга қадар 50 фоизгача.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмининг қиймати «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари (бундан кейинги матнларда тайёрлов корхоналари) билан тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.

Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади. Янги харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори кредит олувчининг талабига кўра қайта ҳисоблаб чиқилади.»

2. 6-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бунда, ишлатилмаган кредит ресурслари қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан тасдиқланган бизнес-режага мувофиқ ғалла ва пахта етиштириш билан боғлиқ бошқа рухсат этилган харажат турлари бўйича, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоғларини тозалашга ишлатилиши мумкин.»

3. 10-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).»

4. 11-банд қуйидаги таҳрирда янги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тижорат банклари берилган кредитларнинг қайтишини таъминлаш мақсадида тайёрлов корхоналари томонидан берилган кредитларни қайтарилиши борасида кафиллигини қабул қилишлари мумкин.»

5. 12-банддаги «5 кун» сўзлари «3 кун» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 17-банднинг биринчи хатбошисидаги «муддатли мажбуриятномалар асосида» сўзлари олиб ташлансин ва қуйидаги таҳрирда бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Топширилган маҳсулот учун якуний ҳисоб-китобларда тайёрлов корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилган моддий бойликлар қиймати ва аввалги йиллар қарзларини чегириб қолишга йўл қўйилмайди. Ушбу моддий бойликлар учун ҳисоб-китоблар ва қарзларни қайтариш ажратилган банк

кредитлари тўлиқ тўлангач, қишлоқ хўжалик корхонасининг тўлов топшириқнома-ларига мувофиқ амалга оширилади».

7. 1-илова иловадаги таҳрирда берилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросуғурта» ДАСК ва Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 май

«Ўзагросуғурта» ДАСК раиси П. КАЗИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 май

Деҳқон ва фермер хўжаликлари Уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 май

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат
эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта
ва ғалла етиштириш харажатларини
тижорат банклари томонидан кредитлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалик корхоналарини _____ йил пахта (ғалла)
ҳосилини етиштириш харажатларининг ҳар бир турини
молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп
миқдори юзасидан тавсиялар**

№	Харажат турлари	1 тонна ҳосил учун сўм ҳисобида
1.	Иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларга	
2.	Минерал ўғитлар	
	шу жумладан:	
	азотли	
	фосфорли	
	калийли	
3.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	
а)	ш.ж: кимёвий усул билан	
в)	биологик усул билан	
4.	Уруғлик	
5.	Механизация хизмати (МТП, алтернатив МТП ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектлари)	
6.	СФУ хизмати	
7.	ЁММ	
8.	полиэтилен пленкаси харажатлари	
9.	Электр энергия харажатлари	
10.	Эҳтиёт қисм харажатлари	
11.	Лизинг харажатлари	
12.	Бошқа харажатлар (пахта ишлаб чиқариш бўйича бошқа харажатлар ҳамда сақлаш учун ажратмалар)*	
	Жами	

*) Бошқа харажатлар учун тўловлар қуйидаги кўрсатилган харажат моддалари бўйича амалга оширилади:

1. Банклар хизмати.
2. Хўжалик ва идора харажатлари.
3. Ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш харажатлари.
4. Коммунал хизматлар (сув, газ, электр энергия, иситиш ва бошқалар) учун тўловлар.
5. Хўжалик ихтиёридаги автотранспорт учун ЁММ харажатлари.
6. Суғурта харажатлари.
7. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Дехқон фермер хўжаликлари уюшмаларини сақлаш харажатлари (туман ҚСХБ, уюшма).
8. Бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи ва бюджет тўловлари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**174** Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
13 июнда 571-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 23 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом»га (1998 йил 19 декабрь, рўйхат рақами 571) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 май,
10/2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

175 Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан
бюджетга солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
16 июнда 1480-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 26 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова* қилинаётган Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2 Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 18 февралдаги 17-сон, Давлат Солиқ қўмитасининг 1999 йил 16 февралдаги 99-21-сон ва Марказий банкининг 1998 йил 22 декабрдаги 98-В-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан солиқларни тўлаш тартиби (1999 йил 18 март, рўйхат рақами 677);

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 18 мартда 677-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 18 февралдаги 17-сон, Давлат Солиқ қўмитасининг 1999 йил 16 февралдаги 99-21-сон ва Марказий банкининг 1998 йил 22 декабрдаги 98-В-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан солиқларни тўлаш тартибига 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар (1999 йил 21 октябрь, рўйхат рақами 677-1.);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 17 июлдаги 63-сон, Давлат Солиқ қўмитасининг 2001-57-сон ва Марказий банкининг 98-В-2-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан солиқларни тўлаш тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (2001 йил 26 июль, рўйхат рақами 677-2 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 14-сон).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 апрель,
42-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 апрель,
2005-36-сон

Марказий банки Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 апрель,
261-В-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

176 Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
17 июнда 1481-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 27 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш тўғрисида», «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш тўғрисида» қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва

мулкый ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қоидалар кучга кирган санадан бошлаб Давлат патент идораси директорининг 1996 йил 3 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномалар ва ихтиро, фойдали модел, саноат намунасидан фойдаланиш учун ҳуқуқларни бериш тўғрисида лицензия шартномаларини кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш қоидалари ва Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш қоидалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

Давлат патент идораси директори А. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 май,
48-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 5 июндан 17 июнгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтишда рўйхатга олиш йиғимларини тўлаш учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 28 майдаги 1-05, 47, 3/5-сон қарори.*

2005 йил 4 июнда 1478-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 14 июндан кучга киради).

2. «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2005 йил ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 25 майдаги 54, 49-сон қарори.*

2005 йил 4 июнда 1479-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

3. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 26 апрелдаги 43, 98-сон қарори.*

2005 йил 10 июнда 1232-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 июндан кучга киради).

4. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 30 майдаги 50, 259-В-2-сон қарори.*

2005 йил 10 июнда 1448-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 июндан кучга киради).

5. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/2-сон қарори.*

2005 йил 13 июнда 571-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 23 июндан кучга киради).

6. «Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан бюджетга солиқларни

ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 25 апрелдаги 42, 2005-36, 261-В-сон қарори.*

2005 йил 16 июнда 1480-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 26 июндан кучга киради).

7. «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2005 йил 11 майдаги 48-сон буйруғи.*

2005 йил 17 июнда 1481-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 27 июндан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2004 йил ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш тартиби тўғрисида низом *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (2004 йил 18 июнь, рўйхат рақами 1371).*

Адлия вазирининг 2005 йил 4 июндаги 82-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. *Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан солиқлар тўлаш тартиби, 1, 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1999 йил 18 март рўйхат рақами 677; 2000 йил 21 октябрь рўйхат рақами 677-1; 2001 йил 26 июль рўйхат рақами 677-2).*

Адлия вазирининг 2005 йил 16 июндаги 85-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.